Mustaqil gazeta
# HURRIYAT
№49 (253)
2001-yil 19–25-dekabr
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan
Har chorshanba kuni chop etiladi

Ният

# ДУНЁ ЭРКИН НАФАС ОЛАЖАК!

Яратганга шукрлар бўлсинки, Афғонистонда террорчиликка қарши олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар муваффақиятли давом этаётир. Куни кеча дунёда "Мендан зўр йўқ!" дея хоҳлаган номаъқулчилигини қилаётган, одамзот бошига нене балоларни солмоқчи бўлган ғаламислар учун сичқоннинг уйи минг танга бўлиб қолди. Бошқаларнинг шаҳарлари, уйларини портлатиб, "бопладимми" деганлар устига чор-тарафдан бомбалар ёғиляпти. Шоир Уйғун бир пайтлар фашист босқинчиларининг куни битай деганда уларга хитобан ғазаб билан:

***Урушни бошлаган мен эмас, сенсан,***
***Энди жазосини тортасан ўзинг.***
***Минглаб наслларнинг лаънат юкини***
***Энди шум елкангга ортасан ўзинг! —***

деб ёзган эди. Нью-Йорк ва Вашингтонда беозор турган савдо марказлари ва бошқа биноларга олиб қочилган самолётларни уриб, минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуришига сабаб бўлган, Тошкентда қонли портлашларни амалга оширган, дунёнинг турли бурчакларида биқиниб олиб, инсониятга ажал уруғини сочмоқчи бўлганларга энди шафқат йўқ. Уларнинг ҳалокатга юз тутиши, маҳв этилиши кундай равшан. Чунки бу ёвузларга қарши бутун дунё оёққа қалқди, Афғонистон ҳудудида ўрнашиб олган террорчиларга қарши курашда АҚШ бошчилигидаги барча тараққийпарвар мамлакатлар иштирок этмоқда, бутун дунёдаги жамики софдил одамлар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашмоқда.

Ўзбекистонимиз ҳам инсоният душманларига қарши бу курашнинг олдинги сафларида бораётганлигидан фахрланамиз. Зеро, қишлоқ оралаб қолган йиртқич бўрини, нафаси заҳар қутурган итни кўплашиб қувадилар, бирлашиб овлайдилар. Оғзи қон йиртқичларга шафқат йўқ, кўринган жойда кетмоннинг орқаси билан уриб ер тишлатиш — савоби азим. Илло, кимки бошқа бировга ёмон ният билан тиғ кўтарар экан, ўзи ҳам тиғи порон бўлиши аниқ. Қадимий Афғонистон юрти ҳам ўзини бир неча йиллардан бери ҳар тарафлама бўғиб келаётган жоҳил ақидапарастларни ўз елкасидан итқитиб, чин озодликка эришса, тараққиёт йўлига кирса ажаб эмас.

Мен куни кеча шаҳар кўчасида икки ёш афғон қизини учратиб қолдим. Уларни мамлакатларининг озод бўлиши билан табрикладим. Қизлар хурсандликдан кўзларига ёш олиб, "Иншооллоҳ, юртимиз ҳам озод бўлиб, сизларнинг юртларингиздай мустақил, обод бўлса, бизлар ҳам ўз юртимизга қайтиб бориб, сизлардек эркин, бахтли яшасак", дейишди. Кечагина телевизорда Афғонистоннинг ватанпарвар саркардаларидан бўлган генерал Дўстум билан суҳбатни кўрдим. Толибларга қарши жангларда жон олиб, жон бериб юрган бу инсон ҳам Афғонистоннинг келажаги, тараққиёти ҳақида қайғуриб гапирди, ўз мамлакатининг озод бўлиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига умид билдирди.

Мен масалчиман, шу боисдан дунё халқларини ўз йўлида тинч, мағрур бораётган филга, жоҳил ақидапарастларни эса унга қараб хезланган лайчага ўхшатгим келди.

**ФИЛ БИЛАН ЛАЙЧА**

***Халойиққа бир кўрсатиб қўйиш-чун***
***Кўча бўйлаб фил етаклаб ўтдилар.***
***Бундай ажиб томошага тўйиш-чун***
***Йўловчилар фил кетидан кетдилар.***
***Қаердандир "лип" этди-ю шу замон***
***Пайдо бўлиб иркит, саёқ бир Лайча***
***Кўпик сочиб, жон-жаҳди-ла хурганча***
***Бирдан хуруж қила кетди фил томон.***
***Гоҳ ириллаб, гоҳи увлаб, тинмасдан***
***Хезланарди филга ўнгу сўлидан,***
***Аммо итга зарра парво қилмасдан***
***Булутдайин кўчарди фил йўлида.***
***Фил сукутин қўрқоқликка йўйдими,***
***Ёки бирор бемаза олқишлади —***
***Қаранг, Лайча ўз жонидан тўйдими***
***Шартта Филнинг оёғидан тишлади!***
***Филга-ку бу гўё чивин чаққандек,***
***Аммо унинг жаҳли ҳам чиқди андак:***
***Сурбет кучук роса тегди жонига,***
***Келгандики "ак-ак" қилиб ёнига —***
***Мўлжалламай орқасига бир тепди!***
***...Соғ қолмайди фил тепкисин ким ебди.***

Ҳа, халқ ғазабига дучор бўлган, халқ тепкисини еган асфаласофилинга кетиши турган гап. Эртами-индин жоҳил ақидапараст террорчилар тарих саҳнасидан, албатта, супурилажак, дунё эркин нафас олажак!

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ёзувчи**

Содиқ МАҲКАМОВ фотоси



Сиз кулсангиз, олам кулади!..

Обуна — 2002

## САРАЛАНГАН САТРЛАР

"Ҳуррият"ни севиб ўқийман. Сабаби унда кишини фикрлашга чорлайдиган мақолалар, ақлни чархлайдиган, мулоҳазага ундайдиган мавзулар бисёр.

"Ҳуррият"даги айрим мақолалар, хусусан, танқидийлари қоғозга "ўраб" берилади. Танқид кимга қаратилаётганини англаш мумкин, лекин очиқроқ ёзилса айни муддао бўларди.

Сизга ҳурмат билан,

**Холис Хон**

***Тошкент шаҳри***

* * *

Ҳурматли "Ҳуррият"чилар! Мен газетангизнинг ашаддий мухлисиман. Унинг айниқса расмий фикрдан холилиги, муаллифлар шахсий фикрига ҳурмати, эркин фикрлар минбарига айлангани мени қувонтиради.

"Ҳуррият"нинг баъзи сонлари расмий нашрларга ўхшаб кетади. Қизиқ, "Ҳуррият" мустақил газета бўлса, нега энди бошқаларга ўхшаши керак?

Олот туманида матбуот нашрларини тарқатиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Биздаги газета дўконларига "Моҳият", "Адолат" каби газеталар умуман келмайди. Келса ҳам кечикиб келади. Ахир кечиккан ахборотни ўқишнинг нима қизиғи бор?

Балки менинг шахсий фикр-мулоҳазаларим "Ҳуррият"га ёқмас. Балким буни эълон қилмассизлар ҳам, чунки ишончим йўқ.

Ҳурмат билан,

**Лазиз БЕШИМОВ**

***Бухоро вилояти Олот тумани***

Тақдимот

## НОБЕЛЧИЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Кейинги йилларда жумҳуриятимиз матбуоти халқаро Нобель мукофоти соҳиблари, улар фан ва бадиий адабиёт соҳаларида эришган ютуқлар ҳақида қатор мақолалар эълон қила бошлади. "Маърифат" газетасида шундай мақолалар туркуми олим Абдумажит Тўраев муаллифлигида босилаяпти.




Куни кеча Республика илмий-техника кутубхонасида "Нобель мукофоти соҳиблари" номли чиройли бир китоб тақдимоти бўлди. Муаллифлар — Абдумажит Тўраев ва Иброҳим Каримов, Фан ва техника давлат комитети босмахонаси 1000 нусхада чоп этган, академик П.Қ.Ҳабибуллаев сўзбоши ёзган.

Маълумки, Альфред Нобель фаннинг уч йўналиши: физика, кимё, физиология ёки тиббиёт ва яна икки йўналиш: бадиий адабиёт, дунёда тинчлик иши учун мукофот берилсин, деб васият қилган.

Швеция миллий банки А.Нобель хотирасига ҳурмат юзасидан, ўз ҳисобидан яна бир йўналиш — иқтисодиёт соҳасидаги катта ишлар учун мукофот таъсис этган, расман "Альфред Нобель хотираси мукофоти" деб аталади, 1969 йилдан бошлаб берилаяпти. Юқорида айтилганлардан бошқа йўналишларга бу мукофот берилмайди.

Тақдим этилган китоб физика ва кимё соҳаларида мукофот олган олимларга бағишланган. Унга А.Тўраевнинг мақолалари киритилган. Альфред Нобелнинг қисқача биографияси, васиятномаси, Нобель жамғармаси, номзодларни танлаш тартиби, мукофот топшириш маросими, эътиборсиз қолган кашфиётлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Мукофотнинг 100 йиллик тарихида, истисно тариқасида икки марта совриндор бўлган олимлар, бир авлоддан чиққан совриндорлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Юз етмиш тўрт саҳифалик китобнинг деярли ярмини (уни иккинчи қисм, дейиш мумкин) мукофот соҳибларининг фотосурати, улар ҳақидаги мухтасар маълумот эгаллаган.

Нобель мукофоти соҳиблари ҳақида ўзбек тилида биринчи бор чоп этилган бу китоб — оммабоп, уни мактаб ўқувчилари ҳам бемалол ўқий олади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан академик Р.А.Мўминовнинг айтишича, физиология ва тиббиёт, тинчлик, иқтисодиёт соҳаларидаги совриндорларга бағишланган иккинчи китоб ҳам нашрга тайёрланаяпти.

**Қудрат ДЎСТМУҲАММАД,**
**ТАЙИ профессори**

Нашр

Мамлакатимиз ёшларининг севимли журналларидан бири "Yosh kuch"нинг бу галги сони ҳам мухлислар эътиборидан четда қолмайди. Ундан бири-биридан қизиқарли, ўқишли, барчани мушоҳадаю мунозарага тортувчи мақолалар ўрин олган.

Журналнинг илк саҳифасидаги "Учинчи Жаҳон уруши XXI аср эртаги" деб номланган мақолада ижодкорлар ҳозирда инсоният тақдири

"Муносабат" рукнида берилган "Қандай қилиб умр йўлдоши танлайдилар?" "Нима сабабдан ажрашадилар?" каби мақолада бахтли оиланинг асосий шартлари, ажралишнинг қатор сабаблари келтирилган.

Журналнинг жинсий ҳаёт маърифатидан сабоқ берувчи "Ҳадемай оила қурасиз" рукнининг доимий муаллифи мутахассис-шифокор Ўктам Муҳаммад Муроднинг "Бокира-

## ДИҚҚАТ, "YOSH KUCH" — "ҚИДИРУВ"ДА!

учун биринчи рақамли таҳдидга айланган террор муаммосига нисбатан икки савол (1. Террорни ҳаракатлантираётган куч нимада? 2. Сизнингча, III Жаҳон уруши бўладими?) асосида муносабатларини билдирганлар.




Шунингдек, "бизни қандай алдашаётганлари" хусусидаги "Yosh kuch"нинг учинчи мақоласи берилган. Мазкур мақола муаллифи Бобур Умаров истеъмолчи ҳуқуқларининг поймол этилаётганлиги, истеъмолчилик маданиятининг аҳволи ҳақида сўз юритади. Бозорларда сохталаштирилган маҳсулотларнинг кўпайиб бораётгани натижасида жабр кўраётганларга, "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун асосида маълумотлар беради.

лик" мақоласи таҳририятга йўлланган кўплаб дардли мактублардаги муаммоли, махсус ёндашув талаб қилинадиган масалаларга бағишланган.

Сканворд ва мантиқий бошқотирма мухлислари севимли машғулотларини дам олиш саҳифасидан топадилар.

Обуна мавсуми қизғин давом этаётган паллада "Yosh kuch" журнали обунага даъватнинг ғаройиб усулини топибди. Ўзбекистондаги энг зўр журнал қидирилмоқда, дея унинг алоҳида белгиларини маҳорат билан таърифлаган.

Журнал руҳий ва маънавий ҳамроҳингизга айланишига ишонамиз.

**Шаҳноза ҒОИПОВА**

Журналист текшируви

## АРИҚЧА ТЕПАСИДА ТУШИРИЛГАН ТАРСАКИ...

### Майда ишнинг катта ташвиши

Қўлимиздаги шикоят қулоч-қулоч "деди-деди" ёхуд дийдиёларга лиммо-лим эмас, нари борса бир парча келади, холос. Шикоят ёзилишига сабабчи бўлган йигит — ёш, умидли журналистлардан: "Фидокор" газетаси мухбири Лазиз Раҳматов!

Шикоятчи — Лазизнинг ҳамқишлоғи, яъни Шаҳрисабз тумани Наматон қишлоғида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Хайрулло Элмуродов.

Шикоятчининг айтишича, Лазиз "ота-онаси билан арзимас (! — Т.А.) жанжалга аралашиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Анвара Шароповага гувоҳномасини кўрсатиб дўқ-пўписа қилган..." Айни шу ҳолат Х.Элмуродовни таҳририятга шикоят ёзишга мажбур қилган.

Кафтдеккина арзноманинг мазмун-моҳияти шугина, холос. Шикоятчи наздидаги "жабрдийда" раиса А.Шаропова бу ҳақда ёзув-чизув қилиш у ёқда турсин, ҳатто бировга лом-мим деб оғиз очмаган ҳам.

Қизиқ-а, ёш мухбир раисага дўқ-пўписа қилади, эл-юрт орасида юрган опа бу ҳақда орган тугул, "ўпкаси йўқ" йигитчанинг ота-онасига ёзғирмайди ҳам! Воқеадан хабар топган Хайруллабой эса шартта ёзув машинкасини чиқиллатиб, шикоят ёзади?!

Раиса билан Элмуродов қариндошмикан десак — йўқ: ҳамқишлоқ! Хайрулланинг ўз ҳамқишлоқлари шаъни ва қадр-қимматини юксак қадрлайдиган инсон, дея талқин қилинса, Лазиз ҳам шу қишлоқ фарзанди: шикоятчидан ўн-ўн беш ёш кичик, ўзига ёки ота-онасига панд-насиҳат қилиб қўйса бўларди-ку, деган хаёлга борасан, киши...

Кўринадики, масала жуда оддий ва майда, нари борса тўртта оқсоқол ўртасида битадиган иш.

Бироқ мазкур "майда" иш билан жойига бориб шуғулланган эдик, тагидан каттагина, керак бўлса, матбуотда ёзадиган ғалвалар бўй кўрсатиб қолди...

...Хайрулла Элмуродовнинг шикоят ёзиши бежиз эмас экан. Гап шундаки, шикоятчининг ота-онаси (Хайруллонинг оиласи бошқа жойда алоҳида яшайди — Т.А.) билан Лазизбойнинг ота-онаси девор-дармиён қўшни. Шу йил баҳорининг охирларида икки қўшни ўртасидан "оламушук" ўтади. Можарога сабаб — кичкинагина ариқ. Элмуродовларнинг айтишича, шу чоққача томорқасидаги экинларни Раҳматовнинг ҳовлисидан ўтадиган ариқ суви билан суғориб келинган. Баҳор ойида Раҳматовлар сув бермай, ариқчани кўмиб ташлаши оқибатида (Элмуродовлар "Бизнинг телефон симини ўғирлагансан" деб тухмат қилгач — Т.А.) томорқаси суғорилмай қолиб, экинлари нобуд бўлди... Бундан аччиқланиб...

Бу ҳақда Раҳматовлар бошқача фикрда. 2001 йил бошида "Гулистон" ширкат хўжалиги ҳамда Наматон қишлоқ кенгаши ўртасида аҳолини ичимлик ва оқар сув билан таъминлаш бўйича шартнома имзоланган. Бироқ тўққиз ой мобайнида бирор марта ҳам оқар сув билан таъминланмаган. Ахир ўзимга йўқ сувни қўшнимга қайдан топиб бераман, дейди "ўзбошимча мухбир"нинг

***Давоми 2-бетда***

Таклиф

## ҚАЧОН БЕХАТО ЁЗАМИЗ?

Вақтни оқар дарёга ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мана ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганига ҳам ўн бир йилдан ошибди.

Тан олиш керакки, шу йиллар давомида тилимизнинг халқаро миқёсда обрў-эътиборини ошириш ва мазкур қонун ижроси бўйича улкан ишлар амалга оширилди. 1993 йилнинг 2 сентябрида "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унга кўра лотин алифбосига ўтиш босқичма-босқич олиб борилиб, 2005 йилнинг 1 сентябрига қадар якунланиши лозим. Шундай бўлса-да, корхона, ташкилот, муассаса, кўчаларнинг номланиши, реклама, эълонлар, деворий ва осма лавҳалар ҳамда айрим биноларнинг пештоқларида берилаётган маълумот, ахборотларнинг лотин ёзувида ифода этилишида ҳали-ҳануз қўпол хатолар, камчиликлар учраб турибди. Таассуфки, ҳар қадамда учратиш мумкин бўлган бундай салбий ҳолатлар ўз вақтида, етарли даражада бартараф этилмаяпти.

Мен ҳозир сон-саноқсиз имло хатолари, нотўғри таржималардан намуна келтирмоқчи эмасман. Менимча, энди танқиддан амалий ишга ўтиш вақти етди. Шу муносабат билан бир таклифни газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ёки халқ таълими бошқармалари ҳузурида юқоридаги ҳолатларни назорат қилувчи ижодий гуруҳ ташкил қилинса ва бу ишни амалга ошириш учун махсус транспорт воситалари, ходимлар штати ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда ҳар бир ташкилот, муассаса, идоралар махсус жойларга илиб қўйишни истаган маълумот, ахборот, реклама, эълонларининг имло қоидаларига мувофиқлиги, матнларнинг адабий тил меъёрларга мувофиқ келиши мазкур ижодий гуруҳ тасдиғидан ўтказарди. Бунинг учун, албатта, муайян миқдорда ҳақ белгиланиб, барча ишлар ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Пойтахтимизда эса лотин ёзувидаги лавҳа, реклама ва эълон матнларини Атамақўм ўз назоратига олса, нур устига нур бўларди. Сабаби, мазкур даргоҳда ҳар бир сўз, ҳар бир атама, ҳар бир тушунча том маънода ўз сайқалини топади. Қўмитада чуқур билимга, улкан ижодий-илмий тажрибага эга бўлган мутахассислар хизмат қилиши ҳам ҳаммамизга маълум.

Бу, албатта, шахсий фикр, ўй-мулоҳазалар, холос. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ**

НАҚЛ

***Ҳаракат заиф бўлган жойда кучли билим фойдасиздир.***

**Аз-ЗАМАХШАРИЙ**

Савод

## АВИАЧИПТА "ЗИЙНАТ"ЛАРИ

Эркинликдай азиз неъматдан ўн йилдан буён баҳраманд бўлмоқдамиз. Бу неъматнинг бизга қай йўсинда, нималар эвазига насиб этганини шу ўн йил ичида оз бўлса-да тушуниб етдик. Бироқ қайта тикланиб, ўз қадрини топиб бораётган қадриятларимизга муносабат ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидай деб бўлмайди. Хусусан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг чиптасида қалашиб ётган имло хатоларни кўриб, тилимизга, имло ва ёзувимизга лоқайд муносабатдан ажабланасан, киши.

Чиптада қ ва к, ҳ ва х, ў ва у товуш белгиларининг ноўрин ишлатилгани (қўйида эмас — қуйида, суюк эмас — суюқ, суюкликлар эмас — суюқликлар, чекланган эмас — чекланган, кўшимча эмас — қўшимча, уювчи эмас — ўювчи, қўроллар эмас — қуроллар, рўхсат эмас — рухсат) ёки айрим ҳарфларнинг тушиши, ўрни алмашиши (тз эмас — тез, ёритириш эмас — ёритиш, магнитлакнган эмас — магнитланган, миқдарда эмас — миқдорда) оқибатида луғат бойлигимизда учрамайдиган сўзлар "кашф" этилган.

Умуман, чипталардаги бу каби имловий хатоларни қўя турайлик. Услубий ҳамда мантиқий жиҳатдан йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли гаплардан ҳеч қандай маъно англашилмай қолган. Ана шундай "гап"лардан бир мисол:

"Юк учун ташувчи жавобгарлигининг чкланганлиги тўғрисида билдириш. Қимматбаҳо олдиндан маълум қилиниб, шунга яраша қўшимча ҳақ тўланган юкдан ташқари юкларнинг йўқолганлиги, уларга зарар етганлиги ёки улар кеч келтирилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги чеклангандир". Инглиз тилида ёзилган худди шундай маълумотни ўқиб кўргач, бундай мужмал гап фақат пойма-пой луғавий таржиманинг ҳосиласи эканлигини англаш мумкин. Сирасини айтганда, "Шу ҳам гап бўлди-ю, бундай мижғовликдан кимга неча пуллик наф бор?" дейдиганлар ҳам топилади. Бундай ўйлайдиганлар учун тил бойлиги анча тор тушунчадир.

Адабий тилимиз асосчиси ҳазрат Алишер Навоийнинг девонларидан бирини кўчириш жараёнида ҳаттот "р" ҳарфининг араб имлосидаги бир нуқтасини тушириб қолдирибди. Оқибатда ёзувда "кўз" ўрнига "кўр" сўзи пайдо бўлибди. Буни кўрган Навоий ҳазратлари: "Қўлинг синсин, ҳаттот, очиқ кўзимни кўр қилдинг!" деган эканлар.

Бу ўринда улуғ шоир ўз асарларининг нотўғри кўчирилганлиги учунгина эмас, балки халқнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган имло қоидаси бузилганлигидан дарғазаб бўлганлари шубҳасиздир.

Қадриятларимизни кўз қорачиғидай асраб, уларга садоқатимизни авлодларга ўрнак қилиб кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Гулгун СУЛТОНОВА,**
**Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети толибаси**

***Йўлни эмас, "йўли"ни билган ютади***

